

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Фарғона 2-сонли БМСМ
директори**



Ф.Х.Садиков

**2022 йил август ойи учун мусика мактабнинг пардаларини
ювиб, таъмирлаб, дазмоллаб, кайта илиб бериш хизмати**

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Фарғона -2022

Мундарижа:

1. Танлов иштирокчиси учун умумий йўриқнома
2. Танловда иштирок этаётган тадбиркорлик субъекларидан танлов учун талаблар
3. Баҳолаш мезонлари бўйича маълумот
4. Пардани ечиш, ювиш, таъмирлаш ва қайта илиш харажатлар калькуляцияси

1 ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН УМУМИЙ ЙЎРИҚНОМА

ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

- 1.1. Танлов предмети: Фарғона шаҳар 2-сонли мусика мактабнинг фойе пардалари ҳамда айрим хоналарнинг пардаларини ювиб, таъмирлаб, қайта илиш хизмати.
- 1.2. Танлов қиймати : **22 000 000 сўм**
- 1.3. Махсулот бўйича Техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмда илова қилинган. Ушбу танлов яқунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.
- 1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 календарь иш кун.
- 1.5. Ишларни бошлаш муддати – аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

- 2.1. Фарғона шаҳар 2-сонли Болалар мусика ва санъат мактаби (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлов ташкилотчиси ҳисобланади.
“Буюртмачи” манзили:, Фарғона шаҳар Дустлик кўчаси 5- уй
- 2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади
- 2.3. Танлов Фарғона шаҳар 2-сонли Болалар мусика ва санъат мактаби “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

- 3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.
- 3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади:
 - танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдордаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;
 - шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;
 - танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;
 - ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;
 - танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);
 - Низом маблағи миқдори.
- 3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.
- 3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:
 - қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;

-мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришли лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида такдим этилиши мумкин.

4.3. Танлов ҳужжатларида қуйидагилар такдим этилиши лозим:

- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;
- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир варагини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда такдим этишлари лозим.

4.4. Қуйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

- Техник таклиф, Фирменный бланкада имзоланган, номерланган ва муҳрланган ҳолда;
- Техник ҳужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспорлар ёки ўхшаш ҳужжатлар рўйхати илова қилинади);

4.5. Танлов иштирокчиси:

-фақат битта таклиф бериши мумкин;

- такдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси такдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилиги жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товари (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун

олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади

2. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТАЁТГАН ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКЛАРИДАН ТАНЛОВ УЧУН ТАЛАБЛАР:

1. Тадбиркорлик субъектининг (кейинги ўринларда корхона) Низоми ва гувоҳнома нусхаси.
2. Корхона раҳбарининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси.
3. Безакли пардаларни ювиб, таъмирлаб, дазмоллаб ўрнатиб бериш хизматларини бажариш учун барча техник мосламалари Мавжудлиги хақида маълумот.
4. Молиявий аҳволи барқарорлиги, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги;
5. Давлат солиқ идораларига топширган охириги 1 йиллик ҳисоботлари нусхалари.
6. Берилган таклифларда корхонанинг тўлик юридик манзили, банк реквизитлари телефонлари рақамлари кўрсатилган бўлиши керак.
7. Давлат солиқ идораларидан қарздорлик йўқлиги тўғрисида маълумотнома.

2 БАХОЛАШ МЕЗОНЛАРИ БЎЙИЧА МАЪЛУМОТ

№	Малака талаблари	Баҳолаш	Изоҳ
1.	Молиявий аҳволи барқарорлиги, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги	10 балл	Сўралган маълумот тақдим қилинмаса 0 балл баҳоланади
2.	Давлат солиқ идораларига топширган охириги 1 йиллик ҳисоботлари нусхалари	10 балл	Сўралган маълумот тақдим қилинмаса 0 балл баҳоланади
3.	Банкротлик ёки тугатиш жараёнида эмаслиги тўғрисида маълумотнома	10 балл	Сўралган маълумот тақдим қилинмаса 0 балл баҳоланади
4.	Безакли пардаларни ювиб, таъмирлаб, дазмоллаб ўрнатиб бериш хизматларини бажариш учун барча техник мосламалари Мавжудлиги хақида маълумот.	10 балл	Сўралган маълумот тақдим қилинмаса 0 балл баҳоланади
5.	“Безакли пардаларни ювиб, таъмирлаб, дазмоллаб ўрнатиб бериш хизматларини бажариш учун ишчи ходимларнинг малакали булиши, яъни энг камида уч йиллик стажга ва безакли пардаларни тикиб, ўрнатишни тўлик ўзлаштирганлиги тўғрисида маълумот	10 балл	Сўралган маълумот тақдим қилинмаса 0 балл баҳоланади
6.	Безакли пардаларни ювиб, таъмирлаб, дазмоллаб ўрнатиб бериш хизматларини бажариш учун парда газламасини, ювишга чидамлилиги, ювиш жараёнида, газламанинг ранги ўзгармаслиги, чўзилиб ёки кириб, кетиши хусусиятларини олдиндан ўрганиб хулоса тақдим этилиши талаб қилинади.	10 балл	Сўралган маълумот тақдим қилинмаса 0 балл баҳоланади
7.	Безакли пардаларни ювиб, таъмирлаб, дазмоллаб ўрнатиб бериш хизматларини бажариш давомида безакли пардаларни дизайни ўз олдинги ҳолатини саклаб қолиши ва ўрнатиш тартиби технология асосида карнизларини ҳам мустаҳкамлаган ҳолда ишларни сифатли топширилиши тўғрисида қафолат хати	10 балл	Сўралган маълумот тақдим қилинмаса 0 балл баҳоланади
8.	Ювиладиган пардаларни “Бажарувчи”нинг ўзи ечиб, олиб кетиши тўғрисида қафолат хати.	10 балл	Сўралган маълумот тақдим қилинмаса 0 балл баҳоланади
9.	Транспорт ва бошқа барча харажатларни “Бажарувчи” томонидан бажарилиши тўғрисида қафолат хати.	10 балл	Сўралган маълумот тақдим қилинмаса 0 балл баҳоланади
10.	Безакли пардаларни “Бажарувчи” ечиб олиб кетиши давомида, ўзаро шартномада сифати, сони ва буюртмачи талаби буйича муддатида бажарилишига қафолат хати.	10 балл	Сўралган маълумот тақдим қилинмаса 0 балл баҳоланади

КАЛЬКУЛЯЦИЯ

Безакли пардаларни ечиб, ювиб, таъмирлаб, дазмоллаб урнатиб бериш хизматига

№	Бажариладиган иш номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Суммаси
1	Безакли пардаларни ечиб, ювиб таъмирлаб, дазмоллаб урнатиб бериш хизмати	п.м	440	30 000	13 200 000
	Хом ашёлар харажати:				0
а)	Кир ювиш воситавси " Ариэл"	кг	20	25 000	500 000
б)	Крючок	Дона	1000	150	150 000
в)	Кир совун	Дона	25	8 000	200 000
г)	Тикув ипи	Бобина	2	12 000	24 000
2	Ишлаб чиқариш харажатлари ва бошка туловлар				7 926 000
				Жами	22 000 000